


Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлик



Аввал хабар қилинганидек, [Ўзбекистон](#) Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпиннинг таклифига биноан 2-3-сентабр кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 3-сентабр куни Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 70-йиллигига бағишлиб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Хитой халқи ўша йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай мардонавор курашиб, Иккинчи жаҳон урушининг хур фикрли инсоният фойдасига якунланишига улкан хисса қўшган.

Пекин шаҳридаги Тянанмен майдонида ушбу галабанинг 70-йиллигига бағишлиб ўтказилган ҳарбий парад умумбашарий аҳамият касб этди. Унда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва хукумат раҳбарлари, БМТ, ШҲТ каби халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Ҳарбий парад ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқлар озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлод қалбида тинчликни қадрлаш туйғуларини шакллантиришdir.

Давлатимиз раҳбарининг Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этиши мамлакатимизнинг дунёда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга интилиши, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпин билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сиёsat, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидағи кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлиш ҳажми изчил ўсиб бораёттир. Хусусан, 2014-йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсан.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 582 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг саксондан зиёди тўлалигича Хитой инвеститсиялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган.

2013-йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – "Жиззах" маҳсус индустрисал зонасида мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" аксиядорлик жамияти ва Хитойнинг Чина Раилвай Туннел Гроуп компанияси ҳамкорлигига қурилаётган Ангрен – Поп темир йўли Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг аҳамият жиҳатидан муҳим бўғинига айланади. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қиласди.

Хитой Миллий нефт-газ корпоратсияси (СНПС) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури қувватларини ошириш, Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминлаш, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

"ПолиТекноложи" компанияси билан ҳамкорликда Ангрендага автомобил ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга кўйилмоқда.

"Ўзбекистон – Хитой" ҳамда "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгайимоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулокотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича мухокама қилдилар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида 3-сентабр куни XXР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кетсян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иктисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи нихоясига етди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтиргани хайрли қадам, Хитой раҳбарияти билан самарали музокаралари халқларимиз манфаатлари йўлидаги мухим амалий тадбир бўлди.

"Ўзавтойўл" АК Матбуот хизмати